

Course: Islamic Finance

Lecture 11: Socially Oriented Financial Products

Prepared by: Dr. Shaamirova Surayyo

Ислом иқтисодиёти инсон ҳаётининг нафақат молиявий ва тижорат соҳаларини, балки ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва жамият барқарорлигини ҳам қамраб оладиган комплекс тизим ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ислом молиясида ижтимоий йўналтирилган молиявий инструментлар алоҳида аҳамият касб этади. Вақф, закот, ушр, фитр садақаси ва хайрия каби институтлар мусулмон жамиятларида асрлар давомида ижтимоий ҳимоя механизми сифатида хизмат қилиб келган. Ушбу институтлар нафақат диний ибодат сифатида, балки иқтисодий қайта тақсимлаш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга (Chapra, 1992).

Муҳаммад Умар Чапра таъкидлашича, ислом иқтисодиётининг асосий мақсади инсон фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодий ресурсларнинг адолатли тақсимланишига эришиш ҳисобланади. Унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг ўзи жамият фаровонлигини кафолатламайди. Агар бойликлар чекланган гуруҳ қўлида тўпланиб қолса, бу ижтимоий тенгсизлик, қашшоқлик ва иқтисодий беқарорликни кучайтиради. Шу сабабли ислом иқтисодиётида бозор механизмлари ижтимоий масъулият билан уйғунлаштирилган ҳолда фаолият юритиши лозим (Chapra, 1992).

Вақф институти ислом ижтимоий молиясининг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. “Вақф” сўзи араб тилида “тўхтатиш”, “ушлаб туриш” маъноларини англатади. Шариат нуқтаи назаридан эса, муайян мол-мулкнинг аслини сақлаб қолган ҳолда, ундан келадиган манфаатни Аллоҳ йўлида ижтимоий мақсадлар учун сарф қилиш тушунилади. Вақф қилинган мулк сотилмайди, мерос қилиб қолдирилмайди ва ҳадя қилинмайди. Унинг фойдаси доимий равишда жамият манфаатига хизмат қилиши керак (Kahf, 1998).

Тарихий жиҳатдан қараганда, вақф институти мусулмон цивилизацияси ривожига беқиёс аҳамиятга эга бўлган. Ислом тарихининг олтин даврида кўплаб:

- масжидлар;
- мадрасалар;
- университетлар;
- касалхоналар;
- кутубхоналар;
- карвонсаройлар;
- сув иншоотлари

айнан вақф маблағлари орқали молиялаштирилган. Монзер Каҳф таъкидлашича, вақф мусулмон жамиятларида “ижтимоий капитал” вазифасини бажарган. У нафақат ижтимоий хизматларни молиялаштирган, балки давлат бюджетига тушадиган ижтимоий харажатларни ҳам сезиларли даражада камайтирган (Kahf, 1998).

Масалан, Усманийлар империяси даврида таълим ва тиббиёт муассасаларининг катта қисми вақф маблағлари ҳисобига фаолият юритган. Айрим тарихий маълумотларга кўра, Истанбулдаги кўплаб шифохоналарда беморлар бепул даволанган ва уларнинг барча харажатлари вақф орқали қопланган. Шунингдек, талабалар учун ётоқхона, овқат ва китоблар ҳам вақф маблағлари орқали таъминланган. Бу эса жамиятда ижтимоий тенглик ва илм-фан ривожига катта туртки берган.

Сабоҳиддин Заъим вақф институтини давлат ва хусусий сектор ўртасидаги “учинчи сектор” сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, вақф бозор иқтисодиётининг камчиликларини юмшатиш ва давлатнинг ижтимоий вазифаларини енгиллаштиришга хизмат қилади (Zaim, 1987). Замонавий иқтисодий назария нуқтаи назаридан қараганда, вақф ижтимоий инвестициянинг узоқ муддатли шакли ҳисобланади. Чунки вақф активлари доимий равишда жамият эҳтиёжлари учун хизмат қилади.

Бугунги кунда ҳам вақф институти кўплаб мусулмон давлатларида фаол ривожланмоқда. Малайзия, Туркия, Саудия Арабистони ва Индонезияда вақф асосида:

- университетлар;
- микромолия ташкилотлари;
- тиббиёт марказлари;
- тадқиқот институтлари

фаолият юритмоқда. Айниқса “cash waqf” — пул вақфи модели замонавий ислом молиясида муҳим ўрин эгалламоқда. Бу моделда фуқаролар ўз маблағларини вақф сифатида ажратади ва ушбу маблағлар инвестиция қилинади. Олинган даромад эса ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилади.

Ўзбекистонда ҳам вақф тизимини ривожлантиришга сўнги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сонли Фармони асосида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ушбу фонд диний-маърифий объектларни сақлаш, таъмирлаш ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда .

Ислом ижтимоий молиясининг яна бир муҳим институти — закот ҳисобланади. Закот исломнинг беш устунидан бири бўлиб, муайян миқдорда бойликка эга бўлган мусулмонларга фарз қилинган молиявий ибодатдир. Закотнинг луғавий маъноси “покланиш” ва “ўсиш”ни англатади. Яъни инсон ўз молидан маълум қисмини эҳтиёжмандларга бериш орқали молини маънавий жиҳатдан поклайди ва барака топади.

Чапранинг фикрича, закот иқтисодиётда бойликларни қайта тақсимлашнинг энг самарали механизмларидан бири ҳисобланади. Закот орқали жамиятдаги иқтисодий тенгсизлик қисқаради ва кам таъминланган аҳолининг истеъмол қобилияти ошади (Chapra, 1992). Бу эса иқтисодий фаолликни рағбатлантиради.

Закот тўлаш учун инсоннинг мол-мулки нисоб миқдorigа етган бўлиши лозим. Нисоб одатда 85 грамм олтин қийматига тенг қилиб белгиланади. Закот асосан:

- нақд пуллар;
- олтин ва кумуш;
- савдо товарлари;
- айрим инвестиция активлари

учун 2,5% миқдорида тўланади.

Закотнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, у пулнинг иқтисодиётда айланишини тезлаштиради. Агар бойликлар маълум шахслар қўлида тўпланиб қолса, иқтисодий фаоллик пасаяди. Закот эса ушбу маблағларни эҳтиёжманд қатламларга қайта тақсимлаш орқали иқтисодий айланмани кучайтиради.

Сабоҳиддин Заъим таъкидлашича, закот нафақат иқтисодий, балки маънавий тарбия воситаси ҳамдир. Чунки у инсонда ижтимоий масъулият ва бошқаларга нисбатан меҳроқибат туйғусини шакллантиради (Zaim, 1987). Унинг фикрича, замонавий капиталистик иқтисодиётда индивидуализм кучайиб бораётган бир шароитда закот тизими жамиятда ижтимоий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

COVID-19 пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз даврида ислом ижтимоий молияси, хусусан закот институтининг аҳамияти янада яққол намоён бўлди. Пандемия натижасида жаҳонда миллионлаб инсонлар ишсиз қолди, кичик бизнес субъектлари фаолияти тўхтаб қолди ва кам таъминланган аҳоли қатлами кескин ошди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, пандемия даврида қўшимча 97 миллиондан ортиқ инсон ўта қашшоқликка тушиб қолган (World Bank, 2022). Шу шароитда мусулмон давлатлари ва ислом молия институтлари закот маблағларини аҳолининг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун фаол йўналтирди.

Ислом Тараққиёт Банки (IsDB) ва UNDP томонидан тайёрланган ҳисоботларга кўра, глобал закот потенциали йилига тахминан 200 миллиард АҚШ долларидан 1 триллион АҚШ долларигача баҳоланади (UNDP & IsDB, 2020). Бу эса закот институтининг камбағалликни қисқартириш ва инқирозларга қарши курашишда улкан иқтисодий имкониятга эга эканлигини кўрсатади.

COVID-19 пандемияси даврида Индонезияда миллий закот агентлиги — BAZNAS томонидан 2020 йилнинг ўзида 385 миллиард Индонезия рупиясидан ортиқ маблағ пандемиядан жабрланган аҳолига йўналтирилди. Ушбу маблағлар:

- озиқ-овқат ёрдами;
- тиббий ҳимоя воситалари;
- ишсизларга моддий ёрдам;
- микробизнесларни қўллаб-қувватлаш

учун сарфланган (BAZNAS, 2021).

Малайзияда пандемия даврида закот институтлари томонидан аҳолига тақдим этилган ёрдам ҳажми кескин ошди. Масалан, Selangor Zakat Board (Lembaga Zakat Selangor) 2020 йилда пандемияга қарши ижтимоий ёрдам дастурлари учун 300 миллион ринггитдан ортиқ маблағ ажратган. Бу маблағлар асосан:

- ишсиз оилалар;
- талабалар;
- кичик тадбиркорлар;
- карантинда қолган аҳоли

учун йўналтирилган (LZS, 2021).

Саудия Арабистонида ҳам пандемия шароитида закот ва хайрия платформалари орқали миллиардлаб риал миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилди. “Ehsan” рақамли хайрия платформаси орқали 2021 йилга келиб 2 миллиард Саудия риалидан ортиқ маблағ йиғилган бўлиб, ушбу маблағлар тиббий ёрдам, озиқ-овқат ва ижтимоий ҳимоя дастурларига сарфланган (Ehsan Platform Report, 2021).

Покистонда “Ehsaas Emergency Cash Program” дастури пандемия даврида аҳолини қўллаб-қувватлашнинг энг йирик ижтимоий дастурларидан бири бўлди. Ушбу дастур орқали 15 миллиондан ортиқ оилага молиявий ёрдам кўрсатилган бўлиб, дастурнинг умумий қиймати 179 миллиард Покистон рупиясини ташкил этган (World Bank, 2021). Дастурда закот ва садақа маблағлари ҳам муҳим молиявий манба сифатида иштирок этган.

UNICEF маълумотларига кўра, пандемия даврида мусулмон мамлакатларида закот ва садақа маблағларининг рақамли платформалар орқали йиғилиши кескин ошган. Масалан, Индонезияда онлайн закот тўловлари 2020 йилда олдинги йилга нисбатан 30–40% га ўсган (UNICEF, 2021). Бу эса рақамли ислом молиясининг ривожланаётганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Умар Чапра таъкидлашича, иқтисодий инқирозлар шароитида ислом ижтимоий молияси ижтимоий ҳимоянинг альтернатив тизими сифатида муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, закот тизими орқали:

- минимал истеъмол даражасини сақлаб қолиш;
- аҳолининг энг заиф қатламларини ҳимоя қилиш;
- иқтисодий талабни қўллаб-қувватлаш

имкони мавжуд (Charra, 1992).

Монзер Каҳф ҳам пандемия ва иқтисодий инқирозлар даврида вақф ва закот институтлари давлат бюджетининг ижтимоий юкини камайтиришини таъкидлайди. Унинг фикрича, агар закот ва вақф тизимлари самарали институционал шаклда бошқарилса, улар камбағалликни қисқартиришда жаҳон миқёсидаги муҳим молиявий воситага айланиши мумкин (Kahf, 2003).

Қуръони Каримда закот маблағлари сарфланадиган тоифалар аниқ белгиланган бўлиб, улар қаторига:

- фақирлар;
- мискинлар;
- қарздорлар;
- мусофирлар;

- илм талабидагилар;
- закот йиғувчилар

киради. Бу эса закотнинг мақсадли ва ижтимоий адолатга асосланган молиявий инструмент эканлигини кўрсатади.

Қуръони Каримда закот маблағларини сарфлаш мумкин бўлган тоифалар аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бу “Тавба” сурасининг 60-оятда келтирилган. Ушбу оятда закотнинг кимларга берилиши мумкинлиги очиқ кўрсатилган ва бу ислом иқтисодиётида молиявий ресурсларнинг мақсадли ҳамда адолатли тақсимланишини таъминлайди. Замонавий иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, мазкур тоифалар жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан энг ҳимояга муҳтож қатламларини қамраб олади.

Биринчи навбатда, закот фақирларга берилади. Фақирлар — бу асосий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун етарли молиявий имкониятга эга бўлмаган инсонлардир. Улар маълум даражада даромадга эга бўлиши мумкин, аммо бу даромад ҳаёт кечириш учун етарли бўлмайди. Масалан, инсоннинг яшаш жойи бўлиши мумкин, аммо у кундалик озиқ-овқат, таълим ёки тиббий харажатларни қоплашга қийналади. Ислом иқтисодиёти нуқтаи назаридан, закот фақирларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг минимал ҳаёт даражасини таъминлашга хизмат қилади. Муҳаммад Умар Чапра таъкидлашича, закот орқали фақирларнинг истеъмол қобилияти ошади ва бу иқтисодий фаолликнинг кучайишига олиб келади (Чапра, 1992).

Иккинчи тоифа — мискинлар ҳисобланади. Мискинлар фақирларга нисбатан янада оғир аҳволда бўлган инсонлардир. Улар деярли ҳеч қандай мол-мулк ёки даромад манбаига эга бўлмайди. Кўплаб фикҳ олимлари мискинни “қўлида ҳеч нарсаси бўлмаган инсон” сифатида таърифлайди. Замонавий иқтисодий терминларда айтганда, мискинлар мутлақ қашшоқлик даражасида яшовчи аҳоли қатламини англатади. Исломда закотнинг мискинларга йўналтирилиши ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Бу орқали жамиятда очлик, ижтимоий четланиш ва экстремал қашшоқликнинг олди олинади.

Закот маблағлари қарздорларга ҳам берилиши мумкин. Бу ерда гап ҳалол эҳтиёжлар сабабли қарзга ботиб қолган инсонлар ҳақида кетади. Масалан, инсон:

- касаллик;
- оилавий муаммолар;
- бизнес инқироzi;
- табиий офат

натижасида қарздор бўлиб қолиши мумкин. Агар у қарзини мустақил тўлаш имкониятига эга бўлмаса, унга закот маблағлари орқали ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бу механизм жамиятда молиявий инқирозларнинг инсон ҳаётига салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилади. Монзер Каҳф таъкидлашича, қарздорларни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётда ижтимоий барқарорликни сақлашга ёрдам беради, чунки ортиқча қарз юки кўп ҳолларда қашшоқликнинг янада кучайишига сабаб бўлади (Каҳф, 2003).

Қуръонда мусофирларга ҳам закот бериш мумкинлиги қайд этилган. Бу ерда “ибн ас-сабил”, яъни сафарда маблағсиз қолган инсон назарда тугилади. Ҳатто инсон ўз юртида бой бўлса ҳам, сафар пайтида молиявий қийинчиликка дуч келса, унга закотдан ёрдам берилиши мумкин. Бу ислом иқтисодиётида инсон қадри ва хавфсизлигига катта аҳамият берилганлигини кўрсатади. Тарихий жиҳатдан қараганда, мусулмон жамиятларида мусофирларга ёрдам бериш савдо ва иқтисодий алоқалар ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Закот илм талабида бўлган инсонларга ҳам берилиши мумкин. Бу тоифа айниқса муҳим ҳисобланади, чунки ислом цивилизациясида илм-фан ривожига катта аҳамият берилган. Агар инсон илм олиш жараёнида бўлиб, молиявий қийинчилик сабаб таълимни давом эттира олмаса, унга закот маблағлари орқали ёрдам кўрсатилиши мумкин. Тарихда кўплаб мадрасалар ва илм марказлари айнан закот ва вақф маблағлари ҳисобига фаолият юритган. Сабоҳиддин Заъим таъкидлашича, инсон капитали ривожланиши ислом иқтисодиётининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади ва таълимга йўналтирилган закот маблағлари узоқ муддатли иқтисодий ривожланишга хизмат қилади (Zaim, 1987).

Закот йиғувчилар ҳам Қуръонда алоҳида тоифа сифатида кўрсатилган. Бу ерда закот маблағларини йиғиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва бошқариш билан шуғулланувчи шахслар назарда тугилади. Ислом иқтисодиёти нуқтаи назаридан, бу жуда муҳим масала ҳисобланади. Чунки самарали институционал бошқарувсиз закот тизими тўлиқ ишламайди. Замонавий мусулмон давлатларида махсус закот агентликлари ва рақамли платформалар фаолият юритмоқда. Масалан, Малайзия ва Индонезияда миллий закот агентликлари замонавий ИТ тизимлари орқали миллиардлаб маблағларни йиғиш ва тақсимлаш билан шуғулланади.

Шу тариқа, Қуръонда закот маблағларини сарфлаш йўналишларининг аниқ белгилаб қўйилиши ислом молиясида ижтимоий адолат ва мақсадли молиялаштириш тамойилига катта аҳамият берилганлигини кўрсатади. Закот шунчаки хайрия эмас, балки иқтисодий қайта тақсимлашнинг тизимли механизми ҳисобланади. У орқали жамиятда:

- қашшоқликни қисқартириш;
- ижтимоий ҳимояни кучайтириш;
- инсон капитали ривожланиши;
- иқтисодий барқарорликни таъминлаш

мақсад қилинади. Шу жиҳатдан, закот замонавий ижтимоий ҳимоя тизимларининг исломий муқобили сифатида ҳам баҳоланади.

Ислом иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳаси учун алоҳида ижтимоий молиявий механизм сифатида ушр жорий қилинган. Ушр деҳқончилик маҳсулотларининг закоти ҳисобланади. Агар ер табиий сув манбалари билан суғорилса, ҳосилнинг ўндан бири, сунъий суғориш орқали бўлса, йигирмадан бири ушр сифатида берилади. Бу тизим қишлоқ хўжалигида ижтимоий адолатни таъминлаш ва кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Монзер Каҳфнинг фикрича, ушр аграр иқтисодиётда ресурсларнинг адолатли тақсимланишига ёрдам беради ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга (Kahf, 1998). Айниқса ривожланаётган давлатларда ушр тизими орқали қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятлари юқори ҳисобланади.

Фитр садақаси ҳам ислом ижтимоий молиясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У Рамазон ойидан кейин ҳайит куни бериладиган садақа бўлиб, унинг асосий мақсади рўздорнинг маънавий покланиши ва эҳтиёжманд инсонларни ҳайитда қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Фитр садақаси жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлайди.

Фитр садақаси нисоб миқдорига эга бўлган мусулмонларга вожиб ҳисобланади. 2025 йил учун фитр садақаси:

- бугдой уни;
- арпа;
- майиз;
- хурмо

қийматлари асосида белгиланган .

Замонавий иқтисодиётда:

- қашшоқлик;
- даромадлар тенгсизлиги;
- ижтимоий ҳимоя муаммолари

кескинлашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, вақф ва закот каби ислом ижтимоий молия институтлари Sustainable Development Goals (SDGs)га эришишда муҳим восита бўлиши мумкин. Монзер Каҳф таъкидлаганидек, вақф ва закот тизимлари:

- қашшоқликни қисқартириш;
- сифатли таълим;
- тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- иқтисодий инклюзияни кучайтириш

каби мақсадларга хизмат қилиши мумкин (Kahf, 1998).

Хулоса қилиб айтганда, вақф, закот, ушр ва фитр садақаси ислом иқтисодиётининг инсонпарварлик ва ижтимоий адолатга асосланган моҳиятини намоён этувчи муҳим институтлар ҳисобланади. Ушбу механизмлар нафақат диний ибодат вазифасини бажаради, балки иқтисодий барқарорлик, бойликларнинг адолатли тақсимланиши ва жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Замонавий иқтисодий муаммолар шароитида ислом ижтимоий молияси барқарор ва инклюзив иқтисодий ривожланиш учун муҳим альтернатив модел сифатида баҳоланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар (APA Style)

BAZNAS. (2021). *BAZNAS Annual Report 2020*. Jakarta: National Board of Zakat Indonesia.

Chapra, M. U. (1992). *Islam and the Economic Challenge*. Leicester: The Islamic Foundation.

Chapra, M. U. (1992). *Islam and the Economic Challenge*. Leicester: The Islamic Foundation.

Ehsan Platform. (2021). *Annual Social Impact Report*. Riyadh, Saudi Arabia.

Kahf, M. (1998). *Financing the Development of Awqaf Property*. Jeddah: Islamic Research and Training Institute (IRTI), Islamic Development Bank.

Kahf, M. (2003). *The Role of Waqf in Improving the Ummah Welfare*. Jeddah: Islamic Research and Training Institute (IRTI).

Lembaga Zakat Selangor (LZS). (2021). *Annual Report 2020*. Selangor, Malaysia.

Muslim, I. (n.d.). *Sahih Muslim*. Beirut: Dar Ihya al-Turath al-Arabi.

Qur'oni Karim. "Baqara" surasi, 267-oyat; "An'om" surasi, 141-oyat.

UNDP & Islamic Development Bank. (2020). *The Role of Zakat in the COVID-19 Crisis*. New York: UNDP.

UNICEF. (2021). *Digital Giving and Islamic Social Finance during COVID-19*. New York: UNICEF.

World Bank. (2021). *Pakistan Emergency Cash Transfer Program Assessment*. Washington, DC: World Bank.

World Bank. (2022). *Poverty and Shared Prosperity Report 2022*. Washington, DC: World Bank.

Zaim, S. (1987). *Recent Interpretations of Economic Aspects of Zakah*. Jeddah: International Centre for Research in Islamic Economics.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.